



Куръони Карим Аллохнинг каломи эканида шубха йўк. Ушбу хакикатни яхши англаб етган мусулмон уммати, хусусан, уларнинг илк авлоди Куръонга ўзгача эътибор бериб, ўз хаётларини бу илохий арконга чамбарчас боғлаб олишган эди. Улар Куръонсиз хаётни тасаввур ҳам кила олишмасди. Салафи солихларимиз, улуг аждодларимиз хаётнинг бошка жабхаларида барчага ўртак бўлганлари каби, Куръони Каримга боғлиқлик, уни хатм қилиш хусусида ҳам ҳаммамиз учун гўзал намунадирлар. Шу боис навбатдаги суҳбатимиз шу ҳақда боради. Юкорида айтилганидек, саҳобаи киромлар ва улардан кейинги салафи солихларнинг кўпчилиги Куръони Каримни бир ҳафтада ёки бир ойда хатм қилишни вазифа қилиб олишган эди. Бу улар учун оддий ҳолат бўлган. Шунинг учун ҳам бу борада келган хабарлар жуда кўп. Биз ҳозир улардан айрим машхурларини намуна сифатида келтириб ўтамиз. Бу маълумотлар гайрат ва ҳимматимизни уйғотиб, Куръони Каримни ўқишга бўлган иштиёқимизни зиёда этса, ажаб эмас. Косим ибн Салом ўзининг «Куръон фазилатлари» номли асарида саҳих санад билан ривоят қилади: «Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг ўгли Абдуррахмон айтадики, Абдуллох (розияллоху анху) жумадан жумагача Куръонни бир ўқиб чиқар эди. Рамазонда эса ҳар уч кунда хатм қилар эди». Ибн Абу Шайба Хишом ибн Урвадан ривоят қилишича, Урва ибн Зубайр розияллоху анху ҳар етти кунда бир хатм қилар экан.

Абу Мухаллабдан ривоят қилинади: «Убай ибн Каъб розияллоху анху Куръонни ҳар саккиз кечада хатм қиларди. Тамим Дорий розияллоху анху эса етти кунда хатм қилар эди».* Ахмад ибн Абдуллох ибн Юнусдан ривоят қилинади: «Маъруф ибн Восил Таймий «Бану Амр ибн Саъд» масжидида имом эди. У сафарда ҳам, муқимликда ҳам ҳар уч кунда Куръонни хатм қиларди. Кавмига олтиш йил имомлик қилиб, бирор марта ҳам

намозда сахв килмади, чунки намоз унинг учун ўта ахамиятли эди».

Салом ибн Абу Мутиъдан ривоят килинадики, буюк тобеин Катода (рахматуллохи алайх) хар етти кунда хатм килар экан. Рамазон келса, уч кунда ва унинг охирги ўн кунлигида эса хар куни бир хатм килар эди. Солих ибн Умар Холийдан ривоят килинади:* «Хасан Басрий асхоблари билан ўтирарди. То Мансур ибн Зозон Куръонни хатм килмагунча ўрнидан турмасди». Сулаймон Аъмаш улуг факих Иброхим Нахаъийдан ривоят килади: «Алкама Куръонни беш кунда, Асвад ибн Язид олти кунда, Абдуррахмон ибн Язид эса етти кунда хатм килар эди».** Ушбу саналган кишилардан Алкама рахматуллохи алайх Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг энг йирик шогирдларидандир. Асвад ибн Язид (розияллоху анху) – сахобий, Иброхим Нахаъийнинг тогаси. Абдуррахмон ибн Язид эса Асвад розияллоху анхунинг укаси, тобеинларнинг пешволаридан. Иброхим Нахаъий ўзи хам тобеинлардан бўлган. У киши Рамазонда хар уч кунда бир хатм килар, охирги ўн кунликда эса икки кунда хатм килар экан. Мухаммад ибн Фузайл ибн Газвон отасидан ривоят килади: «Курз ибн Вабранинг уйига кирдим. Кўп тик тургани учун намозгохида бир чукурча килиб, унга похол тўлдириб, устига мато тўшаб кўйган экан. У бир кеча-кундузда уч марта хатм килар эди».

Яъни улуг тобеин Курз ибн Вабра (рахматуллохи алайх) киёмда узок туриш учун оёк остини юмшок килиб, махсус жой хозирлаб олган экан. Бу хам бўлса, уларнинг ибодатга жуда хам иштиёкманд, харис бўлганларидан эди. Мухаммад ибн Мисъар айтади: «Отам Куръоннинг ярмини ўкимагунча ухламас эди. Вазифасидан фориғ бўлгач, ридосини юмалок килиб ўраб, ўшанга бош кўйганча бироз мизгиб оларди. Кейин худди бирор нарсасини йўкотиб кўйиб, ахтараётган одамдек, сакраб турарди-да, тишини мисвоклаб, тахорат килиб, мехробга юзланар, шу холда тонггача бедор бўларди. У бу ишини иложи борича махфий тутишга харакат киларди». Мухаммад ибн Мисъарнинг отаси Мисъар ибн Кудом буюк мухаддис, обид, ўз даврида Ирокнинг энг улуг шайхи бўлган. У хижрий 155 санада вафот этган.

Ато ибн Жабала айтади: «Мансур ибн Муътамирнинг онасидан Мансурнинг амаллари хакида сўрашган эди, у шундай деди: «У кечанинг учдан бирида Куръон ўқир, кейинги учдан бирида йиглаб, колган кисмида дуо билан машгул бўларди». Мансур ибн Муътамир кўфалик улуг мухаддислардан бўлган, хижрий 133 санада вафот этган. Хофиз ибн Асокирнинг ўгли Косим айтади: «Отам хамиша жамоат намозига катнашар ва Куръон тиловат килар эди. Хар жума Куръонни хатм киларди. Рамазонда эса хар куни бир хатм киларди».** Ибн Хажар Аскалоний рахматуллохи алайх имом Хокимдан куйидагиларни ривоят килади: «Менга Мухаммад ибн Холид хабар бердики, Муксим ибн Саъд шундай дебди: ** «Рамазоннинг биринчи кечасида Мухаммад ибн Исмоил Бухорийнинг олдига асхоблари тўпланар, у киши уларга намоз ўқиб берар эди. Хар ракъатда йигирма оят ўқир ва шу зайлда Куръонни хатм киларди. У сахарда Куръондан ярмидан учдан бир

кисмигача ўқир ва хар уч кечада сахар чогида хатм килар эди. Шунингдек, Рамазонда хар куни кундузи Куръонни бир хатм киларди ва хатми ифтор пайтида бўларди. У: «Хар хатм пайтида ижобат бўладиган дуо бор», дер эди».

Имом Бухорийнинг шайхи Алий ибн Мадиний (рахматуллохи алайх)дан ривоят килинишича, буюк мухаддислардан бири Абдуррахмон ибн Махдий хар икки кечада хатм килар экан. Унинг хар тунги вазифаси Куръоннинг ярмини ўқиш бўлган. Хатиб Багдодий «Тарихи Багдод» номли китобида имом Осимнинг шогирди, кироат илми имомларидан бири Абу Бакр Шуъба ибн Айёш рахматуллохи алайхнинг бир шогирдидан куйидагиларни накл килади: «Абу Бакрнинг корачиги окиб тушди. Шунда у менга: «Уни кафтимга кўй--чи», деди. Мен уни кафтига кўйдим--у, йиглаб юбордим. Шунда у: «Менга йигляпсанми, холбуки, мен саксон йил Куръон ўқидим--ку?! Сенга яна бир бошка нарсани хам айтиб берайин, ўглим. Мен касал бўлганимда хар кеча, албатта, Куръон ўқирдим», деди».

Хатиб Багдодий ёзади: «Шуъбанинг вафоти якинлашганда синглиси йиглади. Шунда буюк имом: «Нега йиглайсан? Анави бурчакка кара, мен у ерда ўн саккиз минг маротаба хатм килганман», деди.

Салафи солихлар ичида бир кеча-кундузда бир марта хатм килганлар жуда хам кўп бўлган. Жумладан, Усмон розияллоху анху, Тамийм Дорий, Саид ибн Жубайр, Мужохид, имом Шофеий ва бошкаларни – Аллох хаммаларини рахматига олсин – санаб ўтиш мумкин. Асвад ибн Язид (розияллоху анху) Рамазон ойида хар кеча битта, бошка пайтда эса олти кунда бир хатм килар эди.

Имом Нававий (рахматуллохи алайх) «Ат-Тибъан фи адаби хамалат ал Куръан» китобида бир кунда уч марта, тўрт марта ва хатто саккиз марта хатм килганлар хам ўтганини накл килади. Мисол учун, Муовия (розияллоху анху)нинг халифалик даврида Миср козиси бўлган Сулайм ибн Итр бир кеча-кундузда уч бора, бир ривоятда тўрт бора хатм килишини зикр килади.

Буюк тобеинлардан Абу Абдуррахмон Сулабий (рахматуллохи алайх) айтди: «Мен Шайх Абу Усмон Магрибийнинг «Ибн Котиб (розияллоху анху) кундузи тўрт маротаба ва кечаси тўрт маротаба хатм килар эди», деганларини эшитганман. Имом Нававий ушбу гапни келтира туриб: «Бир кеча кундузда энг кўп хатм килганлар хусусида бизгача етиб келган хабарлар ичида энг юкори адади – шу», дейди.

Ахмад Давракий тобеинларнинг обиди бўлган Мансур ибн Зозон (рахматуллохи алайх) хакида сўзлаб, шундай дейди: «У пешин билан аср намози орасида бир бора хатм килар, шунингдек, шом ва хуфтон орасида ҳам бир марта хатм килар эди. Рамазонда хуфтонни кечанинг тўртдан бир қисми ўтгунга қадар кечга сурар эди. У Рамазон ойида шом билан хуфтон ўртасида Куръонни икки марта тугатиб, яна озгина ўқиб қўяр эди». Абу Довуд саҳих санад билан Мужоҳиднинг Рамазон ойида шом билан хуфтон оралигида Куръонни хатм қилишини ва бу Рамазоннинг ҳар кунида такрорланишини ривоят қилган.** Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Улуг тобеин Алий Аздий Рамазон ойида ҳар кеча шом ва хуфтон орасида бир бора хатм килар эди».** Улуг саҳобий Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анхунинг ўгли, Мадина фақиҳи Иброҳим ибн Саъд хакида ўгли шундай ҳикоя қилади: «Отам сонларини ёпиштириб чўкка тушиб ўтириб олиб, то Куръонни хатм қилмагунча оёқларини ёзмас эди. Рамазоннинг йигирма бир, йигирма уч, йигирма беш, йигирма етти ва йигирма тўққизинчи кунларида хатм қилмасдан оғиз очмас эди. У шом билан хуфтон орасида ифторлик қилар ва қўпинча мени юбориб, мискин қишиларни чақиртириб, улар билан ифторлик қилар эди».

Абдулкарим ибн Муовия (рахматуллохи алайх)дан ривоят қилинади: «Менга айтишларича, Ибн Сириннинг кизи Хафса ҳар кеча Куръоннинг ярмини ўқир экан». Хажжож ибн Зайддан ривоят қилинади: ** «Улуг тобеин Талик ибн Хабиб: «Мен белим толгунча Аллох учун қоим бўлишни яхши қўраман», дер ва кечаси намоз ўқиганда Куръоннинг аввалидан бошлаб, Хиҷр сурасигача (яъни 14 пора) ўқир эди». Имом Заҳабий раҳматуллохи алайх айтди: «Зоҳид, обид, Абу Аббос ибн Муҳаммад ибн Саҳл ибн Ато Адамий ҳар куни бир хатм қиларди. Рамазонда эса тўқсонга хатм қиларди. У тафаккур ва тадаббур билан ўқиш учун алоҳида бир хатм бошлаган эди, ўн йилдан ортиқ муддат кетиб қолди».

«Сифатус софва» китобида таъқидланишича, Абу Аббос Адамий (рахматуллохи алайх) Куръоннинг яширин маъноларини англаш учун алоҳида бир хатм бошлаб, ўн неча йилда ҳам тугата олмаган ва хатм яқун топмай, вафот этган. У киши хиҷрий тўртинчи асрнинг йирик машойихларидан бўлган.

Ҳа, Ислом умматининг дастлабки авлодлари Куръони Қаримга ана шундай боғланган, ҳиммати баланд қишилар бўлишган. Уларнинг ютуқлари, буюқликлари ҳам шунда эди. Бу мавзунинг давомини Рамазонда хатм қилиш ҳусусида ёзиладиган битикларга қолдирамиз.

Хасанхон Яхё Абдулмажид